



*Маънавият таргиботчисига ёрдам*

**СЕВАРА УБАЙДУЛЛАЕВА  
ОИЛА  
МАДАНИЯТИ**



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРГИБОТ МАРКАЗИ

СЕВАРА УБАЙДУЛЛАЕВА

**ОИЛА  
МАДАНИЯТИ**



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2015

УЎК: 37.018.11

КБК: 87.7

У 13

**Убайдуллаева, Севара**

У 13      Оила маданияти / С. Убайдуллаева; масъул муҳаррир  
Қ. Қуранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази.  
– Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-260-5

Мазкур рисолада ҳар жиҳатдан баркамол авлод тарбиялаб вояга етказишида оила маданияти ва маънавий муҳитининг аҳамияти, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни, шунингдек, тиббий маданиятнинг муҳим жиҳатлари хусусида сўз боради.

Рисола олим-мутахассислар, талаба ва аспирантлар, маънавият тарғиботчилари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 37.018.11

КБК: 87.7

**Масъул муҳаррир:**  
*сиёсий фанлар доктори Қ. Қуранбоев*

**Тақризчилар:**  
*тиббиёт фанлари доктори М. Аҳмедова*  
*тиббиёт фанлари доктори Д. Урунова*

ISBN 978-9943-04-260-5

© «Маънавият», 2015

---

*Бу ёргу дунёда ҳаёт бор экан,  
оила бор экан, фарзанд деб  
аталмиши бебаҳо неъмат бор. Фарзанд  
бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва  
интилишилар билан яшайди.*

ИСЛОМ КАРИМОВ

## КИРИШ

Инсонни оиладан айри тасаввур этиб бўлмаганидек, оиласиз жамиятни ҳам тасаввур этиш мумкин эмас. Оила фарзандларни тарбиялаш, кишиларнинг маънавий ва жисмоний камолотига хизмат қилиш, уларни ягона мақсад сари бирлаштириш, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш вазифалари учун ҳам масъулдир.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, расм-руссумлари, анъаналари бор. Ушбу қадриятлар оилада шаклланиб, жамиятда камол топади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугун қиляётган ишларимизнинг барчаси фарзандларимизнинг баҳт-саодати, уларнинг ёргу келажаги учун амалга оширилмоқда. Одобли, билимдон, ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Келажаги буюк давлатни жисмонан ва маънан соғлом, юрти ва халқига меҳр-муҳаббат ҳамда ғуур-ифтихор руҳида тарбияланган баркамол авлод барпо этади. Шу мақсадда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун давлат ва жамият томонидан кўрсатиладиган ёрдам ва мададни кучайтириш, мазкур жараёнлар учун масъул бўлган

соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий муҳофаза муассасаларида замонавий талабларга жавоб берадиган шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу жараённи ривожлантиришга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соглом болани тарбиялаш бўйича илфор халқаро тажрибани кенг кўламда ўрганиш ва амалиётга жорий этиш «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Оиланинг жамият ривожидаги бирламчи вазифаси – маънавий бутунликдир. Маънавиятсиз моддий фаровонликка ҳам, тараққиётга ҳам эришиб бўлмайди. Бу борада оилада шаклланадиган «Оила маданияти»нинг устувор бўлишини алоҳида эътироф этиш зарур.

Маълумки, оила маданиятининг муҳим негизларидан бири – соғлом турмуш тарзини олиб бориш шахснинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши, соғлом оилани шакллантириш ва соғлом фарзанд кўришда ҳам ўз ифодасини топади. Шахснинг соғлом турмуш тарзи оиланинг маданиятилик даражасини белгилаб беради. Соғлом турмуш тарзи кенг қамровли тушунча эканининг яна бир ифодаси – у шахс маънавий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади.

Мазкур рисола ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда оила маданиятининг ўрни ҳакида фикр юритилади.

---

## ОИЛА МАДАНИЯТИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

Оила – жамиятнинг бирламчи ўзаги, ижтимоий-маданий бирлик. Жамият ана шу кичик, аммо фавқулодда муҳим ўзаклардан ташкил топади. Лекин, у шунчаки кичик жамоа эмас, балки инсонлар иттифоқидир. Оила икки ёшнинг муҳаббати, ризолиги ва иттифоқидан пайдо бўладиган оламдир.

Инсоннинг шаклланиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлишида у вояга етадиган оила муҳити ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, миллий маданият, урф-одатлар, ахлоқий қадриятлар асрраб-авайланади ва ривожланади. Ҳар бир оила аҳил ва тотув бўлса, жамият ҳам тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришади, юртда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Бу ўринда «маданият» тушунчасининг мазмунига қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Кишилик жамиятини куршаб турган муҳитнинг таркибий қисми бўлган одамзотнинг яратувчилик қобилиятини намоён этадиган энг буюк неъматлар орасида маданият муҳим ўрин эгаллайди. Унда одамзотнинг иқтидори, салоҳияти ва қобилияти ўз ифодасини топади.

Маданият инсон билимлари, кўникма ва тажрибаларини, маънавий салоҳиятини ҳамда амалий фаолияти жараёнида орзу-армонларининг рӯёбга чиқиши ва шахс сифатида камол топишини ўзида мужассам этади.

Маълумки, инсоннинг баркамоллиги, маданияти – ташки кўринишига қараб эмас, балки унинг ички маънавий олами, дунёқараши билан белгиланади.

Жамиятнинг равнақи ва келажаги ана шу жамият аъзоларининг ҳам маънавий, ҳам маданий баркамоллигига боғлик. Кишилар маънан қашшоқ бўлса, келажаги порлоқ жамият куриб бўлмайди. Бу – ҳаёт ҳақиқатидир.

Оиладаги маънавий иқлим деганда инсон руҳиятининг, қалбининг тӯғри шаклланишида жуда муҳим ўрин тутадиган мухитни тушунамиз. Зеро, ёш авлодларнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишиши оиласавий мухит, иқлимга узвий боғлиқдир. Агар табиатдаги иқлимга қиёсан айтадиган бўлсак, оила иқлимидаги совуқлик унинг бағрида ёш ниҳолларнинг униб-ўсишига йўл қўймаса, чанг-тўзонлар оила аъзоларининг кўзини очирмайди, эмин-эркин нафас олишига имкон бермайди ва аксинча, оила иқлимидаги илиқлик, ёруғлик, хуш ҳаво унда кечагина дунёга келган гўдакдан тортиб кексаларгача – барчанинг баҳри дили яйраб ҳаёт кечиришига хизмат қиласди.

Оиланинг маънавий иқлими ўзаро ҳурмат, ахлоқ одоб, инсоний муносабатлар асосига курилади. Бўлажак ота-онанинг соғлиғи, насл-насаби, дунёқараши, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ахлоқий тушунчаларнинг ўзаро мослиги, уларнинг турмуш куришга ҳар томонлама тайёрлиги оиланинг мустаҳкамлиги, тинч-фаровон ҳаёти, фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, оила маънавий иқлимининг соғломлиги ва мўътадиллиги юксак оиласавий маданиятдан далолат беради.

Тарихдан жамият тараққиётининг муайян даврларида маданиятнинг ниҳоятда гуллаб-яшнаган даврлари бўлгани маълум. Ўтмишга назар соладиган

Бўлсақ, оила мустаҳкамлиги, саломатлик тушунчаси, ота-она ўртасидаги муомала маданияти, бола тарбияси, авлодлар муносабатлари, соғлом турмуш тарзи тамо-йилларига амал қилиш, айниқса, болани жисмоний жиҳатдан соғлом этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилганига ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳадиси шарифда оила маданиятида энг устувор бўлган масала – соғлом фарзандни дунёга келтириб тарбиялаш ота-онанинг асосий вазифаси экани қайта-қайта таъкидланади. Хусусан, ҳадисларнинг бирида: «Келин танлаш вақтида тўртта нарса албатта ҳисобга олинади: молига, жамолига, касбий мансабига ва диндорлилигига. Сен эса диндорини танлагин» – дейилади. Чунки, мол, жамол вақтинчалиқ, мансаб эса келин билан бирга келмайди, отасининг уйида қолади, аммо иймон-эътиқод, ақл-идрок, хулқу одоб, ирсий тозалик унга доимо ҳамроҳдир. Ана шундай фазилатларга эга бўлган аёлнинг фарзандларини тарбиялаш осонроқ бўлиши кузатилади.

Улуғ бобокалонимиз ал-Беруний илмий-маърифий меросида оила ва фарзанд тарбияси, соғлом турмуш тарзи муаммолари муҳим ўрин тутади. Аллома «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Хиндистон», «Эътиқодлар ва динлар ҳакида», «Минералогия» ва бошқа кўпгина асарларида шахснинг маънавий-аҳлоқий тарбияси ва оила маданиятини шакллантиришга оид қимматли фикрларни ёзиб қолдирган. Жумладан, тан ва рух поклиги, оиладаги тозалик, покизалик ва тартиб-интизом масаласи ҳакида фикр юритиб, вақтида «тишни ювиш, кўз ва қовоқларни тоза тутиш, тирноқларни олиб туриш, силлиқлаш, танни тоза тутиш» каби хислатлар сиҳат-саломатликдан ташқари, инсон гўззалиги, маънавий поклигини ҳам таъминлашини уқтиради. Алломанинг

тан ва рух саломатлиги ҳақидаги фикрлари ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш борасидаги бугунги кун талаблари билан ҳамоҳангдир.

Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино юқоридагиларга ички тозаланиш ва рухий осойишталик, қоматнинг мутаносиблигини саклаш, кийиниш гигиенаси, ҳавонинг тозалиги, мўътадил уйқу ва дам олишни таъминлаш каби талабларини ҳам киритган.

Буюк ватандошимиз ҳаётда инсон саломатлиги оиласи муммомлар учунгина эмас, балки ижтимоий муҳитни соғломлаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратади. Ибн Сино «Тиб қонунлар»ида болага туғилмасиданоқ она ҳақида ғамхўрлик қилиш, хусусан, фарзанд кўриш, соғлом насл қолдириш учун ҳомиладорлик даврида аёлларнинг рухий зўриқишилардан холи бўлишлари, бола туғилгач уни она сути билан бокиши, тез-тез ҳомиладор бўлишдан ўзини тийиш, одам организми мижозига эътибор бериш она ва бола соглиги, жисмоний ва рухий саломатлигини таъминлайдиган омил эканини таъкидлайди.

Худди шундай маданий тараққиётни юртимиз тарихининг бошқа даврларида, айниқса, соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда ҳам кузатиш мумкин. Бўлғуси авлодларнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга стиши Амир Темурнинг доимий диққат марказида турган. Соҳибқирон ўғил уйлантириш, келин танлаш, фарзандлар тарбияси билан боғлиқ ишларга алоҳида эътибор берган. Ҳар қандай давлатнинг куч-кудрати, аввало, соғлом фикрли, билимли, халқ ва ватан тақдири учун ҳатто жонини фидо қилишга тайёр фарзандларнинг кўплиги билан белгиланади. Қолаверса, Шарқ халқларида оила шаъни ва обрў-эътиборини асраб-авайлаш, уни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Бундан беш минг йил муқаддам Миср табобатида соғлом турмуш тарзининг асосий талаблари – баданни тозалаш, парҳезга риоя қилиш, озодаликни таъминлаш, танани чиниқтириш тарзида белгиланган. Гиппократ (эрамиздан олдинги VI аср) булардан ташқари, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик ва гигиенага алоҳида эътибор бериш лозимлигини қайд этади.

Буюк мутафаккир бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Баданинг саломат ва қувватли бўлмоги инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир» деган фикрлари жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиш – оила ҳар бир аъзосининг соғлом турмушида асосий омил эканини асословчи далилдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, азалдан халқимиз учун оила шаъни, обрў-эътибори, фарзандлар саломатлиги ва тарбияси биз учун ҳамма нарсадан устун бўлиб келган. Истиқлол туфайли оила масъулиятини янада теранроқ ҳис қила бошладик. Ҳуқукий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятни қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли оиланинг аҳамияти янада ортди. Чунки фуқаролик жамияти ривожи оиланинг ижтимоий аҳамиятини, мавқеини ошириш билан бевосита боғлиқ.

---

## **ОИЛА МАДАНИЯТИНИНГ МАҲСУЛИ – СОГЛОМ ВА МАҲНАВИЙ КОМИЛ ИНСОНДИР**

*Соглом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соглом наслни, нафақат жисмонан бакувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соглом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватан-парвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соглом миллат, соглом авлодгина кура олади.*

**ИСЛОМ КАРИМОВ**

Оилада қариндош-уруғликка асосланган муносабатлар шаклланади. Бу ҳам кишилар ҳаётида, кундалик турмушида муҳим ўрин тутади. Уларнинг бурч ва масъулиятига асосланган ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги оилавий муносабатларни барқарорлаштиришнинг асосий шартидир. Ўзбек оилаларида ҳуқуқий бурчга нисбатан ахлоқий масъулият устуворлик қиласиди.

Оила деганда икки жинсга мансуб ёшларнинг балоғатга етиб бирлашуви, табиий эҳтиёж, муайян анъаналар, ахлоқий қадриятлар негизида, шунингдек, ҳуқуқий муносабатларга таянган ҳолда бирга турмуш қуриши тушунилади. Оила инсонларга хос ахлоқий қадриятларни ўзида мужассам этиб, икки инсонни ўзаро ҳурмат, ишонч, муҳаббат, ҳамкорлик ва ҳамдардлик, бир умрга бирга бўлиб, аҳил яшашга аҳд қилиш, ҳаётнинг оғир-енгил, аччиқ-чучугини енгигиб ўтиш учун боғланган риштадир. Оила тўйдан бошланади. Халқимиз тўйсиз, яъни

жамоадан яшириб оила қурмайди. «Маслаҳатли түй тарқамас», – деган мақол замирида халқимизга хос бирдамлик, ҳамжиҳатлик каби фазилатлар мужассам. Кўпчиликнинг кўз ўнгидаги оила қурган йигит-қизлар оила масъулиятини чуқурроқ англайди. Оила муносабатларида табиий эҳтиёждан кўра ижтимоий маънавий омиллар устувордир. Айнан шундай маънавий бой ва маданиятли оилада соғлом онадан соғлом фарзанднинг дунёга келиши ва унинг комил фарзанд бўлиб вояга етишига шартшароитлар мавжуд бўлади.

Республикамизда оила институтининг конституциявий мақоми миллий давлатчилигимиз анъаналирига, қадриятларимизга, хорижий тажрибанинг илфор нормаларига асосланган ҳолда яратилган. Ана шунуктаи назардан юртимизда оила ҳақида ғамхўрлик килиш давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг устувор вазифаларидан бири саналади. Бунда, биринчи навбатда, оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оилаларнинг том маънода мустаҳкамлигини таъминлаш кабилар назарда тутилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, таълим-тарбияни яхшилаш, хотин-қизлар, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва маънавий соглом авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк мутафаккир Абдурауф Фитрат шундай деган: «Ҳар бир оиланинг саодати ва иззати шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ.

Тинчлик ва тотувлик оилаларнинг интизомига таянади, мамлакат ва миллат шундагина кучли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсиз ва жоҳиллик билан оиласи муносабатларни заифлаштириб

юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиласининг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий мақоми алоҳида белгилаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг ўн тўртинчи боби «Оила» деб номланади. Унда оила, унинг аъзоларининг хукуқ ва бурчлари қайд этилган.

Оила кодексининг 73-моддасида: «Ота-оналар ўз болаларини тарбиялаш хукуқига эга ва тарбияланиши шарт. Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа шахсларга нисбатан устун хукукка эга. Ота-она болаларининг қонун хужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт», – дейилган.

Ота-она ва фарзанд муносабатлари юртимизда алоҳида ўринни тутади. Бу ўзбек оиласининг энг бебаҳо сифати, фазилатидир. Ота-онанинг фарзандлар тақдири учун масъулияти, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари ҳеч бир халқда бу қадар теран тартибга эга эмас.

Халқимиз азал-азалдан амал қилиб келаётган ана шу адолатли тартиб Конституциямизда белгилаб қўйилган.

Болаларнинг ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиши конституциявий мажбурият ҳисобланади. Конституциянинг 14-боб, 66-моддасида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур экани кўрсатилган: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар»; «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар».

Фарзандлар ўз ота-оналари меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганда уларга ёрдам беришлари, улар муҳтож бўлган нарсаларни муҳайё қилиб туришлари лозим.

Оилада анъана тусига кирган бундай муносабатлар, ўзаро ҳурмат, қадр-қимматни ўрнига қўйиш, меҳр-муҳаббат, оқибат, ҳамжиҳатлик каби сифатлар бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида янада мустаҳкамланмоқда.

Оиланинг шаъни ва обрў-нуфузи жамиятнинг муҳим қадрияти бўлса, оила аъзоларининг саломатлиги унинг энг олий қадриятидир. Бинобарин, ҳар қандай қадриятни асраб-авайлаш, ҳимоялаш талаб этилади. Оила аъзоларининг олий қадрияти хисобланган саломатлиги ҳам бундан мустасно эмас.

Барчага маълумки, соғлом боланинг дунёга келиши учун муҳим бўлган омиллардан бири турмуш қуришга аҳд қилган йигит ва қизнинг оилавий муҳити, оила маданиятидир. Бугунги фан ва техника ривожланган даврда бошқа жабҳалар сингари, тибиёт соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Замонавий тибиёт ютуқларига таянадиган бўлсак, соғлом болани дунёга келтиришниистаганоила, турмушқуришҳамда фарзанд кўришни режалаштирган йигит ва қиз ота-онасининг саломатлиги, шунингдек, наслдан-наслга ўтадиган қасалликлар мавжудлигига ҳам эътибор бериши зарур. Айниқса, яқин қариндошлар фарзандлари ўртасида қурилган оилаларда бундай қасалликлар эҳтимоли жуда юқори бўлиши тасдиқланган. Ота-боболаримиз: «Тўй қилишдан олдин етти авлодни суриштириш керак», – деб бежиз айтишмаган. Ўзбекларда келин ёки қуёв сиҳат-саломатлигини суриштириш ҳам ажойиб анъана бўлган. Бу анъаналар ёшларнинг оилавий турмуш, жамият ва фарзандларнинг оиладаги бурчлари билан боғлиқ масъулиятини оширади. Шу билан бирга, соғлом, аммо маънавий жиҳатдан мустаҳкам бўлмаган оилада эр ва хотиннинг ажралиб кетиши, фарзандларнинг қаровсиз қолиш ҳоллари ҳам учрайди.

Юртимизда наслдан-наслга ўтувчи касалликлар-ни эрта аниқлаш борасида соғлиқни сақлаш тизими-да келин ва күёвни никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Яъни, оила қуришни истаган йигит ва қиз барча мутахассислар кўригидан ўтказилади, шу билан бирга, наслдан-наслга ўтувчи касалликларни аниқлаш мақсадида маҳсус тиббий текширув ва таҳлиллар амалга оширилади.

Албатта, боланинг соғлом бўлиши нафақат онага, балки ота ва унинг аждод-авлодлари саломатлигига ҳам боғлиқ. Демак, соғлом авлодни шакллантиришда оиласдаги намунали тарбия ва соғлом муҳит билан бирга, ҳам ота, ҳам онанинг саломатлиги ҳамда наслдан-наслга ўтадиган касалликларнинг олдини олиш масаласи ўта муҳим аҳамият касб этади.

Оиланинг муҳим функцияларидан бири унинг репродуктив (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) функцияси-дир. Оиланинг вазифаси фақатгина янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб, эришилган илмий ва маданий ютуқлар билан таништирган ҳолда, фарзандларнинг саломатлигини асраб-авайлаш, мустақил ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун юқори малакали касб эгаси қилиб тайёрлашдан ҳам иборатдир.

Оила маданиятининг улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган асосий вазифаси, бу – болалар тарбияси. Фар-зандларнинг ақдли, одобли, меҳнатсевар, ҳалол бўлиб вояга етишидан ота-она ҳам, жамият ҳам манфаатдор. Чунки жамият изчил тараққиётини маънавий етук, жис-моний соғлом ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Оила инсоннинг ривожланиши ва такомилининг узлуксизлигини ҳамда бардавомлитини таъминлайди.

Оилада камол топган бола жисмонан етук, муайян маънавий фазилатларни эгаллаган, ижтимоий ва хуқукий бурч ва масъулиятини англаган инсон сифатида тарбияланади. Инсоннинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган маънавият ва маънавий фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, улар тарбия жараёнида шаклланади ва ривожланади. Ҳаёти давомида инсоннинг маънавий камолотига жуда кўп омиллар таъсир этади, лекин биронтаси ҳам оиласдаги тарбиянинг ўрнини боса олмайди.

Оила қачон баҳтли бўлади? Аёл баҳтли бўлса! Аёл қачон баҳтли бўлади? Фарзандлари соғ-саломат бўлса! Бунинг учун оилада соғлом мухит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шуғулланиши керак, дейди Юртбошимиз.

Она ва бола саломатлиги, аввало, ҳар биримиз учун кичик Ватан ҳисобланган, айни вақтда буюк жамиятнинг негизи бўлган оила мухитига боғлик. Оилалар тинч, осойишта, хотиржам, фаровон бўлса, болалар ҳам бекаму-кўст ва баркамол бўлиб вояга етади.

Оиланинг ёзилмаган қонунлари ҳам бор. Буни содда қилиб бурч деб атасак бўлади. Ота – бошқарувчи, она – табиий тарбиячи, бор-йўқни рӯёбга чиқарувчидир. Она ҳаётига фарзанд жон риштаси билан боғланган бўлади. Ўз навбатида, болаларнинг ҳам фарзандлик **бурчи** бор.

Бола тарбиясининг бош мактаби ота-оналарнинг ўзаро муносабатларидир. Оилавий муносабатлар маданиятигининг такомиллашуви ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари уларга риоя этишининг тўғри ўйлени кўрсатади.

Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори дастлаб оилавий муносабат

маданиятида ифодаланади. Ҳар бир инсон, катта ё кичиклигидан қатъи назар, ўзининг ҳис-туйғусини, ички туғёнини, орзу-умидларини ўзаро муносабатлар жараёнда намоён этади. Шунинг учун ҳам жамият тараққиёти, инсонларнинг яхлит ҳолда шаклланиши, уларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатида, ҳамкорлигига, ўзаро таъсирида вужудга келадиган оилавий муносабатлар эса ижтимоий муносабатларнинг маҳсус, ўзига хос шаклидир. Оилавий муносабатлар ота-она ўртасидаги ўзаро муносабатларни, оила аъзолари ўртасидаги қон-қарин-дошлик муносабатларини ифодалайди.

Оилавий муносабатлар маданияти ота-она ўртасидаги муносабатлар маданиятининг қай даражада ривож топганига боғлиқ бўлиб, бу муносабатлар турли оилаларда ўзига хос тарзда шаклланган бўлади. Шунинг учун ҳам бу муносабатларнинг ёшларни баркамол этиб тарбиялашга таъсири ҳам турлича бўлиши мумкин.

Агар оиласда ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бир-бирига ишонч мавжуд бўлса, бундай оиласда албатта, ростгўй, самимий, меҳрибон, ўз ўртоқларига доимо ёрдам беришга тайёр бўлган инсон камол топади. Ўзида инсонга хос фазилатларни мужассамлаштирган кишиларнинг оилаларида доимий ҳузур-ҳаловат ва самимий ҳурмат мавжуд бўлади.

Ёшларда катталардаги хатти-ҳаракатларга, ахлоқий фазилатларга танқидий муносабатда бўлиш ҳисси кучли бўлади. Шунга кўра, тинч-тотув оиласлардаги болалар ҳам унда қарор топган ахлоқий хислатлар: хушмуомалик, ахлоқ-одоб, катталарга ҳурмат, ўзга кишилар ҳақида ғамхўрлик қилиш, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, айниқса, аёлларга нисбатан ғамхўрлик каби ижобий фазилатлардан ўрнак олиб вояга етади. Бола эзгулик ва ёвузлик

тушунчаларини, биринчи навбатда, ўз ота-онасидан, оиласи мұхитдан олади. Бөғча ва мактабларда тарбиячи ўқитувчилар болаларга таълим-тарбия берса, ота-оналар тарбиялаш баробарида улар билан бирга яшаганлари учун болага таъсир күрсатиш имканийтлари чексиздір.

Бола тарбияси мураккаб жараён. Боланинг тарбияси она қорнидан бошланади. Ясли, боғча, мактаб, академик лицей, касб-хунар колледж, олий ўкув юрти доирасида амалга оширилади. Тарбиянинг ҳар бир босқичида ўзига хос ва мос талаб бўлиши табиий. Шундай экан, ҳамма босқичдаги таълим-тарбия ишига масъул кишилар ўз вазифаларини тўлик адо этса, ҳаётдаги тарбиявий муаммолар ҳажми анча камайган бўлар эди. Энг мұхими, шахсий жавобгарликни, масъулиятни ҳис этиш ва келажак авлодни баркамол инсон бўлиб вояга етказиша фидойилик, жонбозлик талаб этилади.

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маъруzasида Юртбошимиз соғлом авлодни вояга етказиша мактабгача таълим муассасалари тизимини кенгайтириш, уларни замонавий жиҳозлаш, юқори малакали педагог ва мураббийлар билан таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлаш сифатини ошириш, умумий ўрта таълим тизимидағи бошланғич таълимга катта эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бу эса мамлакатимизда бошланғич таълим тизимида, асосан, олий маълумотга эга бўлган педагогларгина фаолият олиб бориши, бошланғич таълим тизимидағи кадрларнинг савиясига янада жиддийроқ эътибор бериш заруратини юзага келтиради.

Зеро, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустакил фикрига эга, окни қорадан ажратишга,

тарақкий тонган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асрарни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шундай экан, фарзандларимизни жисмонан соғлом, маънан баркамол қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг инсоний ҳамда фуқаролик бурчимиздир.

---

## **СОҒЛОМ БОЛАНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА ОИЛА ВА АҲОЛИНИНГ ТИББИЙ МАДАНИЯТИ**

Соғлом турмуш тарзи – саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашдаги энг муҳим шартлардан бири. Жисмоний фаоллик, оқилона овқатланиш, зарарли одатлардан воз кечиш, айниқса, жисмоний тарбияни ҳаётий меъёрга айлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки саломатликка эришиш, сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳар бир одамдан маълум бир саъй-ҳаракатлар талаб қиласи. Инсон – ўз саломатлигининг ижодкоридир, унинг учун, аввало, ўзи курашиши лозим.

Соғлом турмуш тарзи иборасининг замирида инсон саломатлиги ётар экан, бугунги кунда унинг моҳиятини чуқур англаб етган дунё ҳамжамияти томонидан саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашда, кишилар узоқ ва баҳтли умр кўришида турмуш тарзи ҳамда уни соғломлаштириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиши ҳам илмий, ҳам амалий томондан исботланган. Соғлом турмуш тарзи бўйича фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлардан бири – Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти унинг йўналишларини қуидагича белгилаган:

- тўғри ва рационал овқатланиш;
- кашандаликка чек қўйиш;
- фаол турмуш тарзи;
- руҳий саломатлик;
- тоза сув;
- атмосферани тоза сақлаш;
- самарали санитария;

- шахсий санитария;
- овқатни гигиеник тайёрлаш;
- сариқ касаллигининг олдини олиш;
- сил касаллигининг олдини олиш;
- ўз жонига қасд қилишга йўл қўймаслик;
- ОИТСнинг олдини олиш.

Оилада фарзанд деб атамли бебаҳо неъмат бор экан, ота-она уни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етишини истайди. Ҳар бир ота-она фарзандида ўзининг, орзу-умидларининг рӯёбини кўради. Фарзандининг соглом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун қўлидан келган барча шарт-шароитларни яратиб беради. Зеро, борлиғини, керак бўлса умрини фарзандига баҳшида этиш халқимизга хос фазилатdir.

«...Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир», – деб таъкидлайди Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида. Дарҳақиқат, бола шахсидаги илк маънавий куртаклар оилада шаклланади. Айнан оиласда маънавий-ахлоқий қадриятлар, Ватанга муҳаббат, садоқат, одамийлик, ишонч, эътиқод, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳушмуомалалик каби юксак фазилатлар шаклланади. Оилада фарзандлар тарбияси ота-онанинг ўзаро муносабатларидан бошланади. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, аввало, ота-онанинг ўзи маънавиятли-маърифатли бўлмоғи лозим. Айниқса, ҳозирги глобал замонда ота-оналар фарзанд тарбияси билан жиддий шуғулланишлари, уларни доимо назорат қилиб боришлари шарт. Ахир фарзанд сизники, уни тергаб туришнинг фойдаси бўлса бордирки, асло зиёни йўқ. Мақсадимиз маънавий соғлом болаларни тарбиялаш экан, уларнинг онгу тафаккурини ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда самарали тарбия восита-ларидан фойдаланишимиз керак. Қолаверса, бу борада

оила – таълим муассасаси – маҳалла ҳамкорлиги ҳам кутилган самарани бериши шубҳасиз.

Соғлом боланинг дунёга келиши, унинг соглигини сақлаш масаласига мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг чекка туман ва қишлоқлардаги тиббиёт муассасалари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиб, ҳатто энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам ўзимизда бажарилмоқда. Ҳар бир туманда она ва бола саломатлигини асрашга хизмат қилаётган скрининг ва перинатал марказлар фаолият олиб бораяпти. Соғлом боланинг дунёга келишида онанинг ҳомиладорлик даври ва туғруқ жараённига катта эътибор қаратилмоқда.

**Ҳомиладорлик даври** боланинг соғлом туғилишини таъминловчи мухим даврлардан бири ҳисобланади. Никоҳдан олдин амалга ошириладиган тиббий текширувлар соғлом оила шаклланишига асос солади.

**Ҳомиладор аёлнинг соғлом овқатланиши ва қун тартиби:** Боланинг соғлом ўсишини таъминлашда ҳомиладор аёллар саломатлиги мухим ўринни тутгани каби, онанинг соғлом бўлишига асос соловчи овқатланиш режими, соғлом уйқу, қун тартибига риоя қилиш ва зарарли одатлардан йироқ бўлиш ҳам алоҳида ахамият касб этади.

Ҳомиладор аёл истеъмол қиласидиган овқат маҳсулотлари, она организмида мавжуд микроэлементлар, витаминалар ва озуқа моддалари захирасини бойитувчи маҳсулотларга бой бўлиши талаб қилинади. Шу билан бирга, озуқа маҳсулотлари таркиби оптималь балансга эга бўлибгина қолмасдан, уларни истеъмол қилиш жараёнида витаминалар, микроэлементлар ва озуқа моддаларининг сўрилишини кучайтирувчи қўшимчалар билан истеъмол қилиниши ўта мухимдир. Масалан, витаминга ва микроэлементларга бой помидор, бодринг, пиёз ва қўкатлардан ҳар бир оилада

доимий овқат билан бирга истемол қилиш учун аччик-чучук салати тайёрланади, қарангки, бу маҳсулотлар таркибидаги витаминлар ва микроэлементларнинг қонга сўрилишини кучайтиришга салатга озгина ўсимлик мойи қўшилиши билан эришиш мумкин. Соғлом ҳомиладорлик даврида аёлларга кунига 3 та асосий овқат ва 2 та енгил егулик истеъмол қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Асосий овқат – эрталабки нонушта, тушлик ва кечки овқат бўлса, енгил егулик – тонги нонушта ва нешиндаги тушлик орасидаги иккинчи нонушта ва пешиндаги тушликдан кейинги енгил егуликдир. Енгил егулик сифатида бирор ширинликлар: сомса, ўрамалар ва мевалар билан бирга, кефир, кисель, компотлар истеъмол қилиш мумкин.

Республикамизда ҳомиладор аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Махкамасининг 2011 йилги №156-сонли қарорига асосан ҳомиладор аёлларимизга поливитаминалар белул тарқатилмоқда. Бу витаминлар таркиби темир ва фолат кислотасига бой бўлиб, болаларда учрайдиган туғма нуқсонларнинг ва ҳомиладор аёллар орасида камқонлик касалликларининг олдини олади. Поливитаминалар шифокор назорати остида ҳомиладорликнинг биринчи 12 ҳафталиkkача даврида ҳомиладор томонидан қабул қилиниши талаб қилинади.

Сўнгти найтларда соғлом болани вояга етказишида туғруқдан кейинги «чилла» даврига хам алоҳида аҳамият берилмоқда, бу она ва бола саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Қолаверса, туғруқдан кейин аёл ўз соғлигини тўла тиклаб олиши, болага эътибор билан қарashi учун узоқ муддатли таътил белгиланган. Соғлом боланинг дунёга келиши ва вояга етишида ота-оналарнинг тиббий маданияти ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки бундай ота-оналар ўзи ва фарзандининг соғлигига бепарво бўлишмайди.

## *Болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш талаб ва қоидалари.*

Болалар ва ўсмирларда учрайдиган касалликларнинг олдини олишда албатта қуидагиларга эътибор бериш керак:

- кун тартибига риоя қилиш;
- рационал овқатланиш;
- шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш;
- зарарли одатлардан воз кечиш;
- режали тор мутахассислар кўригидан ўтиб туриш;
- режали профилактик эмлашни ўз вақтида олиш.

### *Болалар ва ўсмирларнинг овқатланиши тартиби.*

Кундалик овқат рационига қуидаги гигиеник талблар кўйилади:

1. Овқат рационининг энергетик қуввати – унинг таркибиға кирувчи озуқа моддалари организмнинг физиологик эҳтиёжига мувофиқ бўлиши лозим.
2. Овқат рационига киритилган таомлар таркибидаги моддалар – оқсил, ёғ, карбонсув мувозанатлаштирилган 1:1, 2:4,6 нисбатда бўлиши керак.
3. Кунлик овқатланишдаги овқат маҳсулотлари турли-туман, яъни хилма-хил бўлиши ва юқори даражадаги органолептик кўрсаткичларга эга бўлмоғи лозим.
4. Истеъмол қилинган овқатлар тўйимли бўлиши керак.
5. Аҳолининг оқилона овқатланишини ташкил этишда йилнинг фасли, миллий анъана ва урф-одатлар инобатга олиниши зарур.
6. Овқат кун давомида тўғри тақсимланиши зарур. З марталик овқатланганда кунлик энергиянинг 30-35% ионуштага, 40-45% тушликка ва 25-30% кечки овқатга ажратилиши керак.
7. Овқат маҳсулотлари организм учун зарарсиз бўлмоғи керак.

Соғлом боланинг ўсиши ва ривожланишини таъминлаш мақсадида *тор мутахассислар кўригидан режали ўтиб туриши лозим*. Республикамизда соғлиқни сақлаш ишларига катта аҳамият берилади. Бу борада бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Шунга қарамай, ҳозирги вақтда боғча болалари ва мактаб ўқувчилари орасида турли касалликларнинг кўпайиб бориши катта ташвиш уйғотмоқда.

Бошлангич синф ўқувчилари орасида қадди-қоматнинг бузилиш ҳолати аниқланмоқда, мактабни туғатиш даврига келиб ўқувчиларнинг ярмида кўриш қобилиягининг насайганлиги кузатилган. 30–40% болаларни юрак-томир системасидаги ўзгаришлар безовта қиласди. Талайгина болалар эса руҳий – асаб бузилишларга дучор бўладилар. Кўргина ўқувчиларда 9-синфга келиб, сурункали касалликлар юзага келади. Ҳолбуки, ҳар 3 ўқувчидан бирининг соғлиғида бирданига турли ўзгаришлар кузатилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, озода киши меҳнати ва вақтини тежайди. Покиза тутилган барча буюмлар: кийим-кечак, пойабзал, шунингдек, турар жойлар узоқ вақт хизмат қиласди. Озодалик билан турли ортиқча харажатлар тежалади. Озодаликка риоя қиласидиган ва чиниқкан одам соғлом бўлади. Озодалик терини тоза тутишнинг биринчи қоидасидир.

Юқорида оиланинг вазифалари, масъулияти ва маданиятининг инсон шаклланишидаги ўрни ва соғлом болани вояга етказишда амалга оширилиши зарур бўлган айрим масалалар ҳақида фикр юритдик. Хулоса қилиб айтганда, оила – бу маърифат ва маданият ўчғи. Авлодимиз давомчилари бўлмиш соғлом болаларни нафақат вояга етказиш, балки етук ва комил инсон этиб тарбиялашга ҳаммамиз масъулмиз.

---

## **СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАБ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ РОЛИ**

Истиқлол йилларида ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, юрт тақдирини ўз тақдири, деб биладиган баркамол авлодларни тарбиялашга, шу каби фарзандларни дунёга келтирадиган оналар саломатлигини мустаҳкамлашга, бир сўз билан айтганда, соғлом ва ҳар томонлама тўқис оиласларни барпо этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда бўлғуси келин-куёвларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби ёш оиласларнинг янада мустаҳкам бўлиши, баҳт қўрғони ўзаро ишонч асосига қурилиши, энг муҳими эса, улардан соглом фарзандлар дунёга келишида катта аҳамият касб этади.

Албагта, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биринчидан, соғлом бола, аввало, соғлом ва аҳил оила мевасидир. Бу жабҳада эса, маҳалла, турли ижтимоий тузилмалар, давлат ва нодавлат ташкилотларининг муҳим ҳиссаси борлиги шубҳасиз. Айни мақсад йўлида мазкур тузилма ва ташкилотларнинг ёшларимизни мустақил ҳаётга тайёрлашдаги ўрни сезиларли эканлигини эътироф этиш жоиз.

Мамлакатимизда оила институтига оид қонун ҳужжатлари, мавжуд қоидалар, қариндошлар ўргасидаги никоҳ, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари

ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Таъкидлаш лозимки, Юртбошимиз раҳнамолигида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, айниқса, ёш оиласарнинг хукукий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, шу орқали соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, соғлом фарзанд маънан соғлом оиласада дунёга келади. Бироқ, ўткинчи ҳавасларга учиб, ёшларнинг эрта турмуш қуриши жамиятнинг асосий бўгини саналган оила учун жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бугунги кунда маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда «Эрта турмушнинг салбий оқибатлари», «Оила ва никоҳ», «Соғлом оиласада соғлом фарзанд», «Соғлом турмуш асослари», «Соғлом авлод келажаги», «Саломатлик дарслари» каби тадбирлар ташкил этиб келинаётганлиги дикқатга сазовордир. Бундай тадбирларни узлуксиз равишда айрим худудларда эмас, мамлакатимизнинг барча ўкув муассасаси, маҳаллалар ва ФХДЁ бўлимларида ўтказиб бориш олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишимизда муҳим омил бўлади.

Бу йўналишда, айниқса, Адлия вазирлиги ташаббуси билан ФХДЁ бўлимларида ташкил этилган «Ёш оила қурувчилар мактаби» машғулотлари соғлом оилани шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу машғулотларда шифокорлар, хукуқшунослар, маҳалла фаоллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ёшларга никоҳгача тиббий қўриқдан ўтишнинг аҳамияти, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзи бўйича зарур маълумотларни бермоқда. Қувонарлиси,

«Ёш оила қурувчилар мактаби»нинг машғулотларида минглаб йигит-қиз иштирок этмоқда.

Айни чогда юртимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга устувор вазифа сифатида аҳамият қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолини қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш имконини беради, шунингдек, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга асос бўлади. Айни жабҳада ФХДЁ бўлимлари томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга ошириб келинаётгани аҳамиятлидир. Хусусан, ўтган йил мобайнида «Ёшларда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши», «Оила ва ҳуқукий тарбия муаммолари», «Оилани ташкил этишдаги ҳуқуқий асослар», «Никоҳ шартномасининг моҳияти», «Бола тарбиясида ота-онанинг масъулияти», «Оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш ҳақида» каби мавзуларда давра сухбатлари ва семинарлар ташкил этилгани фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-куватланди.

2014 йилнинг 19 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг ilk қунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантикий давоми бўлди. «Она ва бола йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили», «Оила йили» ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсаддага ҳамоҳангдир.

Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг баҳт-саодати, ёруғ келажагини кўришни ният қиласиз.

Қишлоқ врачлик пунктлари, биринчи навбатда, болалар, ўсмиirlар, репродуктив ёшдаги аёллар ўртасида профилактик мақсадли тиббий кўрикларни ўтказиш йўли билан оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ишига салмоқли хисса қўшмоқдалар. Шунингдек, ушбу бўғин томонидан ижтимоий аҳамиятли касалликларга қарши курашиш тадбирлари, иммунопрофилактика, аҳоли ўртасида санитар-гигиеник тарбия ишларини олиб борищ, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби санитар ва эпидемияга қарши чоралар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. «Она ва бола скрининг» дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бир қатор халқаро институтлар, шу жумладан «Save the children» («Болаларни қутқарамиз») ташкилотининг берган баҳосига кўра, Ўзбекистон болалар саломатлиги ҳақида энг кўп қайғураётган ўнта давлатлар жаҳон рейтингига киритилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълимими ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётан улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб

беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Шаҳарларда, энг олис туманларда замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003–2013 йилларда 1816 та спорт обьекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишга ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг қизлар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири юқумли касалликлар профилактикасиdir. Шу мақсадда турли инфекцияларга қарши янги вакциналарнинг босқичма-босқич жорий қилинишини хисобга олиб, болаларни эмлаш дастури такомилластирилди. Миллий эмлаш жадвали асосида эмланиши керак бўлган болаларнинг 97 фоизини қамраб олган профилактик эмлашлар кўлами кенгайтирилди.

«Соғлом бола йили» давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чукурлаштирилган тиббий

қўрикдан ўтказилди, таркибида йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилди. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл поливитаминлар, фолий кислотаси бор комплекслар билан бепул таъминланди.

Давлат дастурида соғлом болани тарбиялашда, оиласарга, биринчи навбатда, ёш оиласарга ўз вақтида ва манзилли моддий ҳамда маънавий кўмак беришда маҳалла институтининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилиган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган эзгу ишларнинг рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Биз таянчимиз ва суюнчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, хурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган хурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз».

---

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	3
Оила маданияти ва уни шакллантириш мезонлари .....	5
Оила маданиятининг маҳсули – соғлом ва маънавий комил инсондир .....	10
Соғлом болани вояга етказишда оила ва аҳолининг тиббий маданияти .....	19
Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда давлат ва жамиятнинг роли .....	25

**СЕВАРА УБАЙДУЛЛАЕВА**

**ОИЛА МАДАНИЯТИ**

*Toшкент «Маънавият» 2015*

Муҳаррир *O. Пардаев*

Мусаввир *Ш. Соҳибов*

Мусаҳҳих *Ш. Ҳакимова*

Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия АI №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 20.05.2015 й.да  
рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Таймс гарнитураси. Офсет босма  
усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.  
Буюртма № 15-51. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,  
Тараққиёт 2-берккӯча, 2-уй. Шартнома 14–15.

ISBN 978-9943-04-260-5

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-04-260-5.

9 789943 042605

*Manaviyat*